

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар  
вазирлиги**

**М.Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура қурилиш  
университети**

**“Тасдиқлайман”  
СамДАҚИ ректори  
Ч.Ж.Туркйилмаз**

**“\_\_\_\_” феврал 2023й.**

**Мирзо Улуғбек номли Самарқанд давлат архитектура-  
қурилиш университети қошида фаолият юритувчи  
“Технологиялар трансфери офиси”**

## **НИЗОМИ**

**(ЛОЙИХАСИ)**

Самарқанд 2023й

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш  
университетида фаолият юритувчи «Технологиялар трансфери офиси»  
НИЗОМИ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Технологиялар трансфери офиси (кейинчалик «ТТ Офиси») Мирзо Улуғбек номи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети тизими (кейинчалик СамДАҚИ) бўлиб ҳисобланади. Технологиялар трансфери офиси юридик жиҳатдан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетига бўйсинади.

1.2. Ушбу Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги ПҚ-416-сон қарорига асосан Технологиялар трансфери офиси кўринишида ташкил қилиниб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ректорининг бўйруғи билан тасдиқланади.

1.3. Технологиялар трансфери офиси ўзининг илмий-тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятини олиб боради, шунингдек талабалар, магистрантлар ва докторантларнинг таълим олиш жараёнлари, ҳамда илмий тадқиқот ишларида иштирок этишини қўллаб қувватлайди.

1.4. Технологиялар трансфери офиси ўз фаолиятини Республика қонунчилиги, юқори турувчи вазирлик буйруқлари, ректор буйруқлари ва ушбу Низом асосида юритади.

1.5. Умумий илмий-услубий раҳбарлик университет кенгаши томонидан амалга оширилади.

1.6. ТТ Офиси илмий фаолиятини асосий йўналишини аниқлаштириш ва ўзгартириш кафедра таклифига кўра университет кенгаши томонидан амалга оширилади.

1.7. Университет қошидаги Технологиялар трансфери офисининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1.7.1. Лойиҳаларни тайёрлаш, таҳлил қилиш, лойиҳа таклифларини дастлабки баҳолаш, тадқиқот лойиҳаларини тайёрлашга хизмат қилувчи дастурларга эълонлар бериш.

1.7.2. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги долзарб муаммоларни ечиш бўйича амалий тадқиқотларни олиб бориш.

1.7.3. Илмий тадқиқотларни архитектура ва қурилиш соҳасига тадбиқ этиш ва янги ишланмаларни яратишда иштирок этиш.

1.7.4. Архитектура ва қурилиш соҳасида Республикада олий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштиришда иштирок этиш.

1.7.5. Университет профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабаларини илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш билан илмий-тадқиқот ва таълим жараёнини боғлаш, илмий-тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига жорий қилиш.

1.7.6. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги техник муаммоларни ечиш бўйича фундаментал тадқиқотларни олиб бориш.

1.7.7. Тадқиқотлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш бўйича семинар-тренинглار ташкил этиш, лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини мувофиқлаштириш, соҳа ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

1.8. Университет қошидаги Технологиялар трансфери офиси ўтказилган тадқиқотларнинг илмий-техник даражаси ва бажарилган ишларнинг замонавийлигига, тадқиқот натижаларининг халқ хўжалигига ва ўқув жараёнига самарали фойдаланишига жавоб беради.

1.9. Университет қошидаги Технологиялар трансфери офиси Низоми университет ректори томонидан тасдиқланади.

## **2. Университет қошидаги Технологиялар трансфери офисининг илмий, илмий-ташкилий ва хўжалик фаолияти**

2.1. Технологиялар трансфери офиси асосий илмий йўналиши бўйича бошқа ОТМлари, лойиҳа ва лойиҳа-технологика университетлари ва архитектура ва қурилиш соҳаси корхоналари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боради.

2.2. Технологиялар трансфери офиси белгиланган тартибда университет бўлимлари орқали хорижий олий ўқув юртлари, илмий ташкилотлари ва корхоналари билан илмий ва илмий -техник ҳамкорликни амалга оширади.

2.3. Ўз фаолиятини мавжуд муаммолари бўйича юқори турувчи вазирликларнинг тавсияси асосида замонавий фан ютуқларидан фойдаланиб ташкил этади.

2.4. Технологиялар трансфери офиси томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотлар, тажрибавий, конструкторлик ва технологик ишланмалар ректор томонидан тасдиқланадиган иш режаси асосида қисқа (1-3 йил) ва узок муддатга (10 йилдан ортиқ) мўлжалланади.

2.5. Технологиялар трансфери офиси йўналиши бўйича факултетлар раҳбарияти билан ўқув ишлари режасини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этади.

2.6. Технологиялар трансфери офиси ўз илмий фаолиятига кафедра профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабаларни жалб қилади.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан Технологиялар трансфери офисида бажариладиган илмий тадқиқотлар уларнинг шахсий иш режаларига киритилади.

2.7. Университет профессор-ўқитувчилари Технологиялар трансфери офисида хўжалик шартномалари бўйича бажариладиган ишларга жалб қилинади.

2.8. Докторантлар ва талабаларга илмий тадқиқот ишларини, шу жумладан курс ва диплом лойиҳаларини бажариш учун Технологиялар трансфери офиси хузуридаги лаборатория базасидан фойдаланишга рухсат беради.

Технологиялар трансфери офиси ходимлари талабалар, докторантларнинг ўз йўналиши бўйича ишларига илмий раҳбарлик қиладилар.

2.9. Технологиялар трансфери офиси бажариладиган илмий тадқиқот ишларини белгиланган тартибда рўйхатга олади, илмий-техник ахборот ва ҳисоботларни тайёрлайди ва тегишли ташкилотларга тақдим этади.

2.10. Технологиялар трансфери офиси ўзининг молиявий фаолиятини университет бухгалтерияси оркали амалга оширади.

2.11. Технологиялар трансфери офиси белгиланган тартибда ходимларини аттестациядан ўтказди ва бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

2.12. Технологиялар трансфери офиси ходимлари учун қулай иш шароитини яратади, меҳнат қонунчилигига, меҳнат муҳофазаси меъёрларига риоя қилади, техника хавфсизлигини таъминлайди.

2.13. Технологиялар трансфери офиси режавий тадқиқотлар ва ишларни бажаришда атроф муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга оширади.

### **3. Технологиялар трансфери офиси фаолиятни бошқаруви**

3.1. Технологиялар трансфери офиси фаолиятини тўғридан тўғри марказ директори томонидан бошқарилади. Технологиялар трансфери офиси ўз фаолиятини маҳаллий ва чет эл корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек университет бўлинмалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда олиб боради.

3.2. Технологиялар трансфери офисига директор университет ректори бўйруғи билан тайинланади.

3.3. Илмий раҳбар марказ илмий-тадқиқот ва таълим фаолиятини режалаштириш ва умумий раҳбарлигини амалга оширади.

3.4. Офис директори Технологиялар трансфери офиси маъмурий бошқарувини, тадбиқ қилиш ишларини ва ташқи алоқалар фаолиятни ташкил қилиш билан шуғилланади. Офис директори университет томонидан берилган ваколатдан фойдаланиб университет номидан фаолият кўрсатиши мумкин.

3.5. Технологиялар трансфери офиси директор томонидан бошқарилади.

### **4. «Технологиялар трансфери офиси» фаолиятни ташкил қилиш**

4.1. «Технологиялар трансфери офиси» архитектура-қурилиш соҳаларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг уствор йўналишлари, шунингдек

университетнинг асосий илмий йўналишларига асосланган ҳолда ташкил этади.

4.2. «Технологиялар трансфери офиси» тузилмаси иш режаси директор томонидан ишлаб чиқилиб, университет ректори томонидан тасдиқланади.

4.3. Технологиялар трансфери офиси режасига асосан тадқиқот ишлари ва хизматлар асосан кафедра ходимлари томонидан амалга оширилади. Офисида илмий тадқиқот ишлари ва таълим хизматларини амалга ошириш учун лозим топилганда амалдаги қонунчилига асосан шартнома асосида ташқаридан ҳам мутахассисларни жалб қилиниши мумкин.

## **5. Молиялаштириш, моддий-техник таъминот**

**«Технологиялар трансфери офиси»и ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик талаблари асосида манфатдор томонлар, буюртмачилар билан тузилган шартномалар ва илмий-техник ҳамкорлик келишувларига асосан олиб боради.**

5.2. ТТ Офиси олдида қўйилган вазифаларни самарали бажариши учун университет томонидан хоналар ажратади ва лаборатория базасидан фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Шунингдек университет материал-техник ресурсларидан фойдаланиш ва молиявий маблағларни жалб қилишда офисга кўмак кўрсатади.

5.3. «Технологиялар трансфери офиси» молиявий фаолияти қўйидаги:

-хўжалик шартномалари ва илмий ҳажмкор маҳсулот ва хизматлар учун ўтказилган н маблағлардан ҳосил бўлган даромадлар ҳисобига;

-фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун йўналтирилган ва жалб қилинган бюджет маблағлари ҳисобига;

-халқаро, давлат ва маҳаллий фондлар ва грантлар маблағлари ҳисобига;

-ҳомийлар ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалардан иборат маблағлар ҳисобига шаклланиши мумкин.

## **6. Илмий ва таълим жараёнларининг ўзаро боғликлиги**

6.1. Технологиялар трансфери офисида илмий ва таълим жараёнларининг ўзаро боғликлиги магистрантларни, докторантларни, мустақил тадқиқотчиларни ва кафедра профессор-ўқитувчиларини илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши, шунингдек талабалар томонидан битирув малака ишлари (диплом лойиҳа ва ишлари), ўқув жараёнларига (маъруза, лаборатория ишларига) боғлиқ мавзуларни тадқиқ қилиш орқали амалга оширилади.

## **7. «Технологиялар трансфери офиси»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7.1. «Технологиялар трансфери офиси»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Низомда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали белгиланади.

7.2. «Технологиялар трансфери офиси» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ушбу Низом билан белгиланган барча турдаги фаолият билан шуғилланишга;

- ишларни бажариш учун университетнинг бошқа тизими ва бўлинмаларидан ходимларни жалб қилишга;

- амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият билан шуғилланишга;

- ТТ Офиси ваколатига таллуқли бўйруқ, фармойиш, низом ва йўриқномалар ишлаб чиқишга.

7.3. «Технологиялар трансфери офиси» қўйидаги мажбуриятларни ўз бўйнига олади:

- ушбу Низомда кўрсатилган вазифаларни бажаришга;

- университет Уставига риоя қилишга;

- меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги ва санитар-гигиеник меъёрларга риоя қилишга;

- университет раҳбарияти талабномасига асосан ўз фаолияти тўғрисида маълумотларни тақдим қилишга.

## **8. Ушбу Низомни қабул қилиш, тасдиқлаш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.**

8.1. Ушбу Низомга ўзгартириш киритилганда университет кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилади.

8.2. Марказ Низомига ўзгартиришлар унинг олдида қўйилган вазифалар кўлами кенгайганда қўшимчалар ва тузатишлар киритилиб университет ректори томонидан тасдиқланади.